



ТАШРИФДАН KEЙИНГИ УЙЛАР

БУХОРО: сезиларли ўзгаришлар ва истиқболли режалар

Зулфизар МАВЛОНОВА, журналист.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар гал бирор ҳудудга ташрифи чоғида катта мақсад ва ўзгаришларни кўзлайди. Худуд масъулларига халқнинг розилигига эришиш ва сифатли турмуш тарзини такомиллаштиришга қаратилган устувор вазифаларни топширади.

Ўтган ҳафтада Президентимиз Бухорога қилган икки кунлик ташрифи чоғида ҳам туризм, тадбиркорлик, қурилиш, саноят ва ишлаб чиқаришни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Баҳоуддин Накшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошланган ташриф чоғида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишган юртбошимиз Бухорода сўнгги йилларда катта ўзгаришлар бўлганини алоҳида таъкидлади. Шу тарихка келгусида қад ростлаши кутилаётган газ-кимё мажмуаси, қуёш электр станцияси ҳамда Бухоро халқроқ аэропорти қурилишига старт берилди.

Чоғида жумладан, Имом ал-Бухорий, Аббос Алиев ва Мухтор Ашрафий обидаларига туташ ҳудудлар, деҳқон бозори ва минг йиллик тарихга эга Бухоро дарвозаси, Исмоил Сомоний мақбараси, истироҳат боғи ва сунъий қўлни жозибдор туризм мажмуасига айлантириш кераклиги қайд этилди.

Туризмни ривожлантириш, тарихий бинолар ва азалий маданиятни сақлаб қолиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, - деди вилоят ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Жалол Арашов. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги истиқболли режалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Худудда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва саноят зоналарини ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш ҳамда тадбиркорликка кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Унга кўра, вилоятда ҳолати яхши сақланиб келинаётган тарихий объектлар бисёр, аммо таъмирланиши керак бўлганлари ҳам йўқ эмас. "Чор Минор" ва "Истеъза" мадрасалари, "Самарқанд", "Дарвозаи Саллохона", "Масжидикалон" каби объектларнинг дренаж тизимини таъмирлаш учун 35 миллиард сўм ажратилган бўлди. Туризм ва сервис учун яна 100 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ йўналтирилди.

Дарҳақиқат, тарихий иншоотлар тиклангани ва эски шаҳар кўчаларида қадим Бухоро маданиятини акс эттиргани сари унга қизиқувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Нафақат хорижий, балки маҳаллий сайёҳлар ҳам Навқирон шаҳарга ташриф буюришди. Натижада Бухоро аэропорти туристлар оқими 2 баробар ошириш режаси учун кичиклик қилиши маълум бўлмоқда, чунки бугунги кунда мазкур аэропортда бор-йўғи 4 та самолёт учун тўхташ жойи мавжуд. Бухоро туманида ҳозиргидан 3 баробар кўп қувватга эга 226 миллион АҚШ долларлик янги ва замонавий халқроқ аэропорт қурилиши белгиланди. Бу ерда ҳафтасига 100 та рейсни қабул қилиш ва жўнатиш йўлга қўйилиб, бир йўла 22 та самолётга кўнингсоҳ бўлади.



Суратлап president.uz сайтдан олинди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш, саноят ва тадбиркорлик соҳаларидаги ўзгаришлар аҳоли яшаш тарзини яхшилаш ва сифатли маҳсулотлар етказиб беришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, саноят соҳасининг Бухорода ҳам ривож топаётгани кўпга бўш иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Ташриф давомида мазкур соҳалар фаолиятидаги ўзгариш ва янги вазифалар белгиланди. Видеоселектор йиғилишида

шаҳсан Президентнинг ўзи бу ўзгаришларни қайд этди. Жумладан, вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 триллион сўмдан ошди. Саноят, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишга 115 триллион сўм инвестиция жалб қилинди, 4,6 мингта корхона ишга тушиб, 90 мингта иш ўрни яратилди. Экспорт 215 миллион долларга етди. Қорақўл, Жондор, Шофирқон ва Когон туманларининг ҳар бирида саноят ҳажми йилга 1 триллион сўмдан ошди.

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев Қорақўл туманида ҳам бўлиб, у ердаги саноят ва тадбиркорлик ишларини кўздан кечирди. Туманда барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивини ҳам бориб кўрди. "Қорақўл" эркин иқтисодий зонаси ҳудудидаги металл қувур ишлаб чиқаришга иختисослашган замонавий "Enpipe" корхонаси фаолияти билан танишди. Шундан сўн,

Гиждвон туманидаги ўзгаришларни кўздан кечирар экан, туман фаолиятини намунали, деб баҳолади. Туманнинг ўзида 25 минг иш ўрни, қўшимча 50 миллион АҚШ доллари экспорт ва бюджетга 100 миллиард сўмлик тушум бўйича имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоятда саноят, туризм ва тадбиркорлик ривож натижасида бой тарихга эга Бухоронинг иқтисодий потенциали ҳам сезиларли даражада ўсмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Бухоро халқини меҳнат билан, бизни ҳамкорларимиз билан, инвесторларимиз билан чўл гулистонга айланди". Демак, ташриф давомида белгиланган вазифалар Бухоронинг саноят, иқтисод ва бунёдкорлик соҳаларида янги босқичга кўтарилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

Фарғонадаги бунёдкорликлар ўрганилди

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева Фарғона вилоятидаги бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, Фарғона шаҳрида қад ростлаётган "Янги Ўзбекистон" массиви бўлди.



Фарғона шаҳрида 300 гектар майдонда 40 минг нафар аҳолига мўлжалланган замонавий "Эко шаҳар" барпо этилиб, 300 га яқин кўп квартиралар уй қурилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда 73 та кўп квартиралар уй қуриб битказилган. Шунингдек, 6 та ижтимоий соҳа объекти барпо этилди. Мазкур уй-жойлар эксплуатацияси, аҳолига коммунал хизматларни кўрсатиш масъулиятли вазифа ҳисобланади. Шу маънода, яшил шаҳарда кўп квартиралар уйларига хизмат кўрсатувчи "Eco city service" БСК ташкил этилди. Вазир ўринбосари бошқарув органи фаолияти, уларга барпо этилаётган бино билан ҳам танишди. Шунингдек, бошқарув ташкилотига қўшимча сервис хизматларни ташкил этиш, мулкдорларнинг бирламчи эҳтиёжлари учун тақлифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, О. Жўраева Фарғона шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, "яшил шаҳар"ни барпо этишда меҳнат қи-

лаётган қурувчи ташкилотлар вакиллари, коммунал хизмат кўрсатишга масъул бўлган бошқарув органлари раҳбарлари билан ҳам учрашди. Унда галдаги муҳим вазифалар, янги барпо этилаётган уй-жойларни бошқарув органларига бириктириш масалалари, кўп квартиралар

уйларни эксплуатация қилиш ишларини ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Учрашувда янги уйлари фойдаланишга қабул қилишда кўп квартиралар уйга хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари вакиллари иштирок этиши лозимлиги таъкидланди.

Қўшма лойиҳа асосида семинар-тренинг

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури Глобал экологик фонд ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазириликнинг "Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ турар жой бинолари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш" қўшма лойиҳаси асосида Навоий шаҳрида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош қармаси архитекторлари, лойиҳа ташкилотли мутахассислари ва бошқа мутасаддилар иштирок этишди. Семинар-тренингда бино инсоляцияси ва энергия самарадорлик, қуёш нурланишини бинога таъси-

рини ўрганиш воситалари, архитектура лойиҳалари учун қуёш нурланишини баҳолаш дастурий таъминотлари билан ишлаш, бинони тўғри жойлаштириш, дераза-ромлари ўлчамлари ва жойлаштирини белгилаш бўйича тақдирот ҳамда амалий машғулотлар олиб борилди.



БСК вакиллари билан учрашув

Тошкент шаҳрининг барча туманларида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирилик, Тошкент шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси масъуллари, ҳокимлик вакиллари иштирокида кўп квартиралар уйларида хизмат кўрсатувчи бошқарув органлари билан учрашув ташкил этилмоқда.



Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек ва Бектемир туманларида бўлиб ўтган шундай учрашувларда кўп квартиралар уйлари эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини яхшилаш юзасидан долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, кўп квартиралар уйларида зарур таъмирлаш-тиклаш ишлари, муҳандислик тармоқларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш

чораларини кўриш, бошқарув органлари паспортини ҳар бир кириш йўлакларига ўрнатиш, ҳудудларни ободонлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Шу билан бирга, аҳолидан келиб тушган муурожаатларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришга алоҳида эътибор қаратиш юзасидан топшириқлар берилди.

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ЙЎЛ ТАЪМИРЛАШДА ҲАМ АРЗОН,  
ҲАМ ФЙДАЛИ УСЛУБ

Зиё СИРОЖ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ёз фасли келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж ортади. Озгина ҳаракат қилсак чанқайдиган бўлиб қоламиз. Аслида ким ҳам чанқамайди, дейсиз. Мавжуд борлиқ борки, сувга эҳтиёжмандир. Тўғри, ўсимликлар, қушлар, ҳайвонлар ҳам чанқашини билемиз, бироқ, биз ҳаракатланаётган асфальт қопламали йўл ҳам "чанқашини" эшитганмисиз?

Аслини олганда асфальт йўл маълум муддатдан сўнг ўздаги намликни йўқота бошлайди, - дея вазиятга изоҳ беради Андижон вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Мирзохиджон Нурматов. - Натижада автомобиль ҳаракати, ер қатламнинг юмшоқлиги, ёғингарчилик туфайли унда носозлик юзага келади. Яъни,

паст-баландлик ҳосил бўлади, асфальтнинг зарб еган қисми кўчиб, "ямалар" вужудга келади. Аънавий услубда бу жой асфальт хомашёси орқали таъмирланар эди. Бироқ, озгина муддатдан сўнг, айниқса, ёғингарчиликдан кейин бу жойда яна асфальт кўчини кузатиш мумкин. Таъмирталаб йўлни "суғориш" орқали сошлаш атамаси ана шу сабаб туфай-

ли вужудга келган. Бироқ, бу аслида асфальт қопламасига сиртки ишлов бериш, дейлади. У аввалдан мавжуд бўлган, лекин сўнгги йилларда айрим сабабларга кўра қўлланилмаётган эди. Бугунги кунга келиб уни амалиётга жорий этиш орқали бир қанча афзалликларга эришяпмиз.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, бу усулда таъмирланган йўлнинг фойдаланиш муддати бир неча йилга ортади. Боиси, бунинг учун қўлланилаётган қоришма маҳсул бирикмалардан таркиб топган хомашёлардан ҳосил бўлади. У асфальтга шу қадар сингиб кетадики, натижада елим каби қотишмага айланади. Аввалги услубда йўлнинг таъмирланган қисмида қайта носозлик юзага келиши оддий ҳолга айланган эди. Шу боис, ҳар йили баҳор мавсумида йўлдаги чуқурчаларни ямаш аънамага айланган. Ушбу ус-

лубда эса бунга ҳолат йўқ. Сабаби, қотишма ҳар қандай ҳаракат ва ёғингарчиликда сифат даражасини йўқотмайди. Натижада йўлнинг фойдаланиш муддати кескин ортади. Қолаверса, ушбу қоришма асфальтдан 5-6 баробар арзонга тушади.

Андижон вилоятида жорий йилда 30 километрдан иборат йўл айнан шу усулда таъмирланиши кўзда тутилган. Бунинг учун 4 млрд дан ортиқ маблаг сарфланиши режалаштирилмоқда. Айни пайтда фаолиятга жалб этилган 100 нафар ишчи ва 20 та техника воситасининг самарали меҳнати туфайли бир кунда 3 километрдан ортиқ йўлни таъмирлашга эришилмоқда. Бир сўз билан айтганда, асфальт йўлни таъмирлашда қўлланилаётган услуб ва фойдалиги билан соҳа ходимларига ҳам, йўлдан фойдаланувчиларга ҳам манзур бўлмоқда.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Коммунал соҳа  
кенгаш сессияларида  
кўриб чиқилди

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кундаги ислохотлардан қўзланган асосий мақсад, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларга старлича шарт-шароитлар яратиш, бандлигини таъминлашдан иборат. Бунинг учун қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароитлари яратиш зарур.

Богот туманида ўтказилган Халқ депутатлари туман кенгашининг 110-сессиясида айни шу масалалар муҳокама қилинди. Аҳоли ўртасида кўплаб муаммоларга сабаб бўлаётган соҳа бу - коммунал хизмат кўрсатиш тармоғидир. Сессияда иккинчи масала қилиб мазкур соҳадаги ишлар кўриб чиқилди. Мавзу юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари тинланди.

Халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгашининг 85-сессиясида ҳам аҳоли томонидан Халқ қабулхоналарига йўланган мурожаатлар ва уларнинг натижалари кўриб чиқилди. Шаҳардаги 11 та маҳалладан коммунал соҳалар бўйича такрорий мурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг ечимини топиш ва муаммоларни тўла бартараф этиш чораларини кўриш таъкидланди.

2024 йилда 3 та газ тақсимлаш пунктини мукамал таъмирлаш, 71,1 километр газ қувурларни зичлик ва ҳаво босими остида синаш, 16,4 километр газ қувурларини тартибга келтириш ишларини амалга ошириш белгиланган, - деди Урганч шаҳар газ таъминоти бўлими бошлиғи Камолдидин Бекчинов. - Фуқароларнинг барча мурожаатларини ижобий ҳал қилиш чораларини кўрамиз.

Хусусан, Урганч шаҳрида 2024 йилда 33 та кўп қаватли уй-жойдан иборат 1361 та хонадонли кўп қаватли турар жой қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда ушбу объектларда 70 фойз ишлар амалга оширилган. Иил якунига қурилиши режалаштирилган уй-жойлар эса тўлиқ ўз эгаларига топширилиши назарда тутилмоқда.

Ҳазорасп туманидаги 47 та маҳаллада эса 200 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг 5188 нафари ишсиз эди. Айни кунга қадар 2300 нафарининг бандлиги таъминланган. Туман кенгашининг 138-сессиясида аҳоли бандлиги билан бир қаторда коммунал соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам атрофича таҳлил қилинди. - Туманда жами 862 километр йўл бўлиб, шундан, 188 километри умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари, - деди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхона бошқаруви раҳбари Жамшид Саидов. - Уларнинг 889 километри эса ички хўжалик йўллари бўлиб, ҳозиргача 24,5 километр йўлга қум-шағал аралашмаси ётқизилди. 6 километр йўл эса асфальт қилинди. Иил якунига қадар 50 километр йўлнинг асфальтлаштирилиши режалаштирилганми.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Газ таъминоти соҳаси  
такомиллашмоқда

Азиз МАШРАБОВ, "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида бўлгани каби газ таъминоти соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар жадаллик билан янги босқичга кўтарилиб бормоқда.



Сурхондарё вилояти худудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, инфратузилма объектларини, энг асосийси, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўплаб Дастурлар қабул қилинмоқда.

Вилоятдаги 592 863 та истеъмолчидан 130 977 таси аҳоли, 2 557 таси улгурчи хамда 459 329 таси сукултирилган газ истеъмолчиси ҳисобланади. Уларга "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиали томонидан 2024 йилнинг биринчи қоррағида 219 млн 259 минг м<sup>3</sup> табиий газ хамда 18738,3 тонна сукултирилган газ етказиб берилди. Ҳозирда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини бир меъёрга табиий хамда сукултирилган газ билан таъминлаш мақсадида истиқболли лойиҳалар, жумладан, янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари билан бир қаторда, газ танқис худудларда аҳоли хонадонларига табиий газ баллонларни ўз вақтида етказиб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугунги кун ҳолатига кўра, табиий газ истеъмолчиларига 130 977 та замонавий электрон газ ҳисоблагич ускунаси (ЭГХУ) ўрнатиб берилган. Ускуналар "Худудгазтаъминот" АЖнинг серверига тўғридан-тўғри уланган бўлиб, кўрсаткичлари "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиалининг Маҳалла истеъмолчилари билан ишлаш бўлимида назорат қилиб борилади. Филиалда ЭГХУлар кўрсаткичлари марказлаштирилган диспетчерлик хизматининг катта экранда назорат қилиб борилаётгани хам истеъмолчиларга сезиларли даражада қулайлик яратмоқда. Шу билан бир қаторда, 2024 йилда вилоят аҳоли хонадонларига 3 минг дона табиий газ баллон етказиб бериш белгиланган. Амалда истеъмол-

чиларнинг табиий газ баллонга бўлган талабидан келиб чиқиб, январь-май ойлари давомида 472 дона табиий газ баллон етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 августдаги "Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига кундалик ҳаётда фойдаланиш учун сукултирилган углеводород газини етказиб бериш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 646-сонли қарори 4-бобини ва "Худудгазтаъминот" АЖнинг 2020 йилдаги 13/106-сон топишириги талаблари бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган. Хусусан, газ таъминоти бўлими ходими томонидан истеъмолчининг табиий газ баллон бериш бўйича аризасига асосан, жойига чиққан ҳолда сукултирилган газ билан таъминланганлиқ ҳолати ва овқат қилиш учун газ жиҳози мавжудлиги ўрганиб чиқилади. Далолатнома расмийлаштирилиб, филиал томонидан истеъмолчига 1 дона табиий газ баллони етказиб берилади. Истеъмолчилар эса табиий газ баллонни хавфсизлик таъминлаган ҳолда сақлаш мажбуриятини олади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 348-сон қарори 13-бандига кўра, табиий газ баллонларни таъмирлаш ва техник қуриқдан ўтказиш тасдиқланган тарифларга мувофиқ истеъмолчи ҳисобидан газ таъминоти ташкилоти томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб қўйилган.

Табиий газ баллонлар 5 йилда бир мартава синовдан ўтказилади. Тасдиқланган нархномага мувофиқ синов-

дан ўтказиш суммаси 5 йилга 80 000 сўмни ёки бир йилга 16 000 сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, "Худудгазтаъминот" акциядорлик жамиятининг 2024 йил 2 февралдаги "Худудгаз Сурхондарё" газ таъминоти филиалида маҳаллабай ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 13/13-18 "с"-сонли буйруқ-қарорига асосан, истеъмолчиларга табиий газни етказиб беришда мавжуд ташкилий-иқтисодий механизмларни янги босқичга олиб чиқиш, ихчам ва самарали бошқарув тизимига ўтиш, "маҳаллабай" ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, бунда маҳаллалар таъминотидаги технологик инфратузилма имкониятларидан кенг фойдаланиш, йўқотишларни олдини олиш, газ таъминоти объектларини эстетик жиҳатдан тартибга солиш, қўйи тизим ходимларининг штат бирлигини кўпайтириш назарда тутилган.

Шунингдек, газ истеъмолида хавфсизлик ва фаровонлиқни таъминлаш мақсадида филиалнинг туман хамда шаҳар газ таъминоти бўлиmlарида маҳаллабай ишлаш хизматлари ташкиллаштирилиб, худуд устаси, маҳалла газчиси, оператор штат бирикларига оптималлаштирилган. Ушбу буйруқ-қарор асосида оптималлаштириш ишлари Президентининг 2023 йил 26 сентябрь куни маҳаллабай ишлаш тизимини кучайтириш юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида берилган топишириқлар хамда Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳаллабай ишлашга масъул бўлган шахслар фаолиятини ва ханкорлигини самарали таъминлаш хамда "маҳалла еттиклиги" фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида амалга оширилиб, ишни маҳалладан бошлаш таъминотида шакллантирилди.

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Бир кунда 45 та боғча  
фойдаланишга топширилдиШухрат НОРМУРОДОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Кейинги йилларда мактабгача таълим тизимидаги туб ислохотлар туфайли янгидан янги ишга тушаётган мактабгача таълим ташкилотлари орқали қамров даражаси хам ошиб бормоқда.



## ТОШКЕНТ ШАҲРИ

3 017 гектар ер майдонлари  
эгаллаб олингани аниқланди

Кадастр агентлиги томонидан ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллашни (чегараларини ўзгартириш), кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказмаслиқ ҳолатини аниқлаш, ердан мақсадли фойдаланиш юзасидан давлат назорати амалга оширилиб келинмоқда. 2024 йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, республика бўйича 18 696 та ҳолатда 3 017 гектар ер майдонлари ўзбошимчалик билан эгаллаб олингани аниқланди.

Шундан, қишлоқ хўжалиги ерлари 1866, аҳоли пунктлари ерлари 516, санот, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар 37, табиатни муҳофаза қилишга мўлжалланган ерлар 10,6, тарихий-маданий аҳамиятга

мулк ерлар 2,2, ўрмон фонди ерлари 30, сув фонди ерлари 92, захира ерлар эса 462 гектарни ташкил этади. Кадастр агентлиги томонидан берилган эъза кўрсатмалар асосида 9 617 та ҳолатда 1 093 гектар майдондаги қо-

нунбузилишларни ихтиёрий бартараф этилиши таъминланган. Ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонларида қурилган ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш бўйича судларга 5 270 та даъво аризаси киритилди. Ерга оид қонуни бузилиши ҳолатларида жиноят аломатлари кузатишган 855 та иш ҳужжатлари ўрна-тилган тартибда прокуратура органларига юборилди.

Республика бўйича ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш билан боғлиқ 608 та ҳолат аниқланиб, ушбу ерларга бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш юзасидан ҳожимликларга 598 та тақдимнома хамда судларга 10 та даъво аризаси киритилди.

Ўз мухбиримиз.



## ЯНГИ МИНТАҚАВИЙ ФУТБОЛ АКАДЕМИЯСИ ҚУРИЛМОҚДА

Зулфизар МАВЛОНОВА, журналист.

Сўнгги бир неча йил ичида Бухорода янги ва замонавий бинолар қуриш, реконструкция қилиш ишлари авж олган. Мақсад келгусида қадим гўшада ҳам тарихи, ҳам замонавий руҳни акс эттириш, маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун қулай шароитлар ва сўлим масканлар яратишдир. Бухоро туманининг Бухоро шаҳрига ёндош “Боғидашт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ажратилган 40 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғини барпо этишга киришилгани бунга мисол бўла олади.



Мия бўлмаган. Ушанда фақат Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида мавжуд эди. Тўртта ҳудуд учун шароит яратиш ва футбол бўйича ўша ҳудуд болаларини тайёрлаш мақсадида 2014 йилда футбол академияси қурилиши жараёни раёнида қурилди. Аммо 2017 йилга келиб маълум сабабларга кўра қурилиш тўхтатиб қўйилди. Орадан 6 йил ўтгач, 2023 йилда футбол академияси қурилишини давом эттириш инвестиция дастурига киритилди. Таъмирлаш-тиклаш ишларини қайта бошлаш мақсадида мазкур объект учун 23 млрд сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, объект бўйича “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ, Иқтисодий ва молия вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхоналарининг ижобий хулосаси олинди.

Шунингдек, Бухорода янги спорт мажмуаси қуриб битказилган қадар вилоят ҳокими бошчилигида 10 миң томошабин сонидаги янги майдон ҳам барпо этилмоқда. Бухорода ўйинларни ўтказиш ниятида жорий йил сўнгига қадар майдонни тайёр ҳолда топшириш режалаштирилган. Демак, тез орада Ўзбекистон Про лигасида иштирок этаётган “Бухоро” жамоаси машғулотлари ва уй ўрашувларини мазкур ўйингоҳда ўтказиш имкони яратилди.

Дарҳақиқат, ҳозирда ҳудудда кенг қўламини ободонлаштириш, тиклаш ишлари жадал давом этмоқда. Демак, қўн кунларда футбол ишқибозлари “Бухоро” жамоасининг ўйинларини уй майдонида томоша қилиш ва яна “катта футболдан завқланиш имкониятига эга бўлишиди. Таъмирлаш-тиклаш ишларини тез фурсатда якунига етказиш мақсадида вилоят ҳокими Ботир Зарипов мазкур объект қурилиши жараёнида ўз назоратига олди. Ишни смена асосида ташкил қилиш, таъминотда узлишларга йўл қўймастик, иншоот атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга доир масул вазифаларни зиммасига аниқ вазибаларни юклады.

спортсеварларнинг мириқиб шугуллани томоша қилиш ва яна “катта футболдан завқланиш имкониятига эга бўлишиди.

Бундан ташқари, академиядан ўйингоҳ ва томошабин учун 320 ўринли спорт зал (48х39 метр), машғулотлар ҳамда фитнес заллари, анжуманлар зали ўрин олади. Ёш футболчиларни ўқитиш ва катта футболга тайёрлаш бўйича ҳамма шарт-шароитлар ҳозирланади. Зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган ўқув-машғулоти базаси яратилади. Ўз устида ишлашни истаган ҳар бир спортчи машғулоти ва фитнес залларида бемалол шугулланиш имкониятига эга бўлишиди. Шунингдек, бошқа ҳудуддан келган ёшлар яқин-атрофдан уй-жой қидириб овора бўлишиди. Бу ерда қолиб тайёрланиш учун шароитлар яратиш масаласи обдон ўйланган. 200 ўринли ётоқхона ва ундаги 100 кишилик ошхона спортчи ва мураббийлар учун хизмат қилади. Академияда 15/6 бассейни, санузел ва сауна қуриш режалаштирилган. Ҳудуд атрофида машиналар учун алоҳида парковка ҳам мавжуд бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро минтақавий спорт академияси ҳар бир интилувчан спортчи учун қулай шароитларга эга ва ҳавфсизлиги таъминланган ҳолда футболчиларни ўқитиш масканига айланмоқда. Ишонимлики, янги спорт мажмуаси республикамизнинг энг олди спортчиларини муносиб тарзда тарбиялаш ҳамда жон шохсупаларида фахрли ўринларни эгаллашларига хизмат қилади.

Мазкур лойиҳага кўра, боғда сокин ҳудуд ва фавворалар, футбол ўйингоҳи, спорт майдончалари, болалар ўйингоҳи, умуман, одамлар табиат қўйнида дам олиш учун сўлим ҳудудлар барпо этилади. Мажмуа замонавий ёритиш ва акустика тизимлари билан жиҳозланади. Келгусида бу ерда умумхалқ байрамлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Айниқса, лойиҳа доирасида Бухоро минтақавий футбол академиясининг қурилаётгани минг-минглаб спорт ишқибозларининг қувончига сабаб бўлиши аниқ.

дўстлиги ва “Алломиш” кўчалари кесимида жойлашган, умумий майдони 7,4 гектардан иборат бўлган собиқ “Тўқимачи” спорт мажмуаси ўрнида қурилмоқда. Дастлаб, Бухоро минтақавий футбол академиясининг вазифаси нима, бу мажмуа қай тартибда қурилмоқда, деган саволларга жавоб топмок истадик.

Саволларимизга Бухоро вилояти футбол ассоциацияси биринчи вице-президенти Фаррух Ҳамроев шундай жавоб берди:

— Бир неча йил илгари Бухоро, Навоий, Хоразм ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ёш футболчилар учун акаде-

мажмуаси қуриб битказилган қадар вилоят ҳокими бошчилигида 10 миң томошабин сонидаги янги майдон ҳам барпо этилмоқда. Бухорода ўйинларни ўтказиш ниятида жорий йил сўнгига қадар майдонни тайёр ҳолда топшириш режалаштирилган. Демак, тез орада Ўзбекистон Про лигасида иштирок этаётган “Бухоро” жамоаси машғулотлари ва уй ўрашувларини мазкур ўйингоҳда ўтказиш имкони яратилди.

Дарҳақиқат, ҳозирда ҳудудда кенг қўламини ободонлаштириш, тиклаш ишлари жадал давом этмоқда. Демак, қўн кунларда футбол ишқибозлари “Бухоро” жамоасининг ўйинларини уй майдонида томоша қилиш ва яна “катта футболдан завқланиш имкониятига эга бўлишиди.

## МАҲАЛЛАЛАР ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАРДА ИШ БОШЛАДИ

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўсиб келаётган ёшлар келажакда ким бўлиб улғайиши, аҳолини ижтимоий қўллаш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириб, фуқароларни иш билан таъминлаш масалалари кўп жиҳатдан маҳаллаларда ўтказиладиган тадбирларга ҳам боғлиқ.

Бироқ бундай долзарб масалани ҳаётга татбиқ этиш учун ислохотлар даврига ақсарият ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида идораларига эга бўлмай, борлари эса қайсибир ташкилот биносидан ижарага тургани мақсадга эришишда тўсиқ бўлаётган эди. Ёндиликда давлат ва маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳисобига жойларда замонавий бинолар қад ростламоқда.

Биринчи-иккинчиси такорламайдиган лойиҳалар асосида бунёд этилаётган маҳалла бинолари меъбел, компьютер жамламалари ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланиб, фойдаланишга топширилаётгани бу ердаги “етилик”нинг қўллаб ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишига имкон бермоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам 724 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларнинг 100 таси шу пайтгача ўз биносига эга эмас эди.

Яқинда 53 та маҳаллада янги хизмат бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улардан бири Сароисиё туманидаги “Себзор” маҳалла фуқаролар йиғинидир. Бу ҳудудда уч миң нафардан ортиқ киши истиқомат қилади. Узини ўзи бошқариш органида доимий бино бўлмагани учун маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш анча қийин кечаётган эди. Янги бинонинг очилиши фуқароларни ягона оила сифатида бирлаштириш

баробарида уларнинг қувончига ҳам сабаб бўлди. Айтиш жоизки, маҳаллалар инфратузилмасини шакллантиришга йўналтирилган давлат дастури ва вилоят раҳбарларининг ҳаракати билан жорий йил бошидан буён 53 та бошқарув органилари идорасини қуриш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Натيجида бунёдкорлик ишлари тез ва сифатли қилиб бажарилиши баробарида ҳудудлар ободонлаштирилиб, ички йўллар тартибга келтирилди, ичимлик тазви, табиий газ ҳамда электр таъминотини яхшилашга ҳам эътибор қаратилди.

Мутасаддилардан олинган маълумотга кўра, Денов туманида ўн та, Кумкўрғон ва Узунда олти тадан, Жарқўрғон, Олтинсой ва Қизирдиқа бештадан, Сароисиё ҳамда Шерободда тўрттадан, Ангор ва Шўрчида иккитадан, Бандахон, Бойсун, Музработ, Термиз туманларида биттадан маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзининг замонавий хизмат биноларига эга бўлишган. Иккинчи босқичда эса 47 та маҳалла учун тегишли маблағ ажратилиб, қурилиш ишлари бошланади. Шу кунларда уларга мослаштирилган лойиҳалар иши гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бошланган сайёҳаракатлар натижасида йил охиригача вилоятда бирорта ҳам ўз биносига эга бўлмаган маҳалла идораси қолмаслигига кафолат бор.

## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

2024 йил июнь ойининг 7 – 13 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Бухгалтерия бўлими етакчи мутахассиси **Ўткирбек Ҳамзаев**, ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги ўринбосари **Шухрат Закиров**, Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Акмал Хурсандий**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиги ўринбосари **Нодиржон Максумов**, Кўп квартиралли уй-жой фондини сақлаш ва фойдаланиш қоидаларига риоя этиш назоратини мувофиқлаштириш бўлими етакчи мутахассиси **Қундуз Шарипова**, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Ахборот-коммуникация технологиялари бўлими мутахассиси **Сардорбек Заҳриддинов**,

“Qurilish sohasida axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish markazi” давлат харидларини ташкил қилиш ва амалга ошириш бўлими етакчи мутахассиси **Шаҳзоод Эшмуродов**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти Техник меъёрлаш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳромбек Раҳимов**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси етакчи мутахассиси **Шерзод Турғунбоев**,

“O'zog'irsanoatloyiha” АЖ АСС-1 технинги **Зейнат Абилфесов**, Смета бўлими етакчи мутахассиси **Шоҳиста Ибрагимова**, телефон оператори **Ўбайдулла Турсунходжаев**,

“O'zshaharsozlik LIT” бош лойиҳа институти ДМ мутахассиси **Ҳилола Мўмин-Ахунрова**, Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-ўстахонаси лойиҳа бош архитектори **Рустам Джураев**, “Бухоро” филиали лойиҳа бош мутахассиси **Асилбек Жўраев**, “Хоразм” филиали етакчи архитектори **Умар Равшанбеков**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиги **Баҳрам Маданинов**, етакчи инспектор **Бауыржан Пахратдинов**,

Бухоро вилояти Қоровулбозор тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Фаҳриддин Баракаев**, хайдовчи **Бехруз Ражабов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлигининг биринчи ўринбосари **Ойбек Очилов**, лаборант **Анвар Бозоров**, бош ҳисобчи **Динара Фаёзуллина**, Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича бош мутахассиси **Шаҳноза Ҳасанова**,

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими бош инспектори **Шерзод Салоҳитдинов**, хайдовчи **Тоҳир Носиров**,

Навоий вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош бухгалтери **Илҳом Жониев**, Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими мутахассиси **Маъмуржон Ҳасанов**, Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими лаборанти **Фотима Бобомуродова**, қорувул **Жамолддин Назаров**,

Тошкент шаҳар Қурилиш бошқармаси бош мутахассиси **Муродхўжа Муҳитдинов**, ДУК раҳбари **Шухрат Эгамбердиев**,

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Лойиҳа ва пудрат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Сардор Абдувоситов**, Ер муносабатларини тартибга солиш ва шаҳарсозлик хулосаларини тайёрлаш бўлими мутахассиси **Нодир Умаров**, Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги – бош архитектор **Музаффар Абдуллаев**,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш бўлими бош мутахассиси **Ҳожиакбар Тожибоев**, Уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассислар **Садреддин Джалолов**, **Ғайратжон Ташматов**, **Гулмира Ҳамдамова**, Фарғон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги ўринбосари-бош архитектор **Отбек Маҳмудов**,

Хоразм вилояти Урганч тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиги **Қарши Матмуродов**, хўжалик ишлари мудири **Улғабек Ходжаев**, Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази ҳисобчиси **Бибихатича Оданова**,

“Иссиқлик манбаи” ДУК Жиззах вилояти филиали бошлиги **Зоҳиджон Раҳмонбердиев**,

Жиззах вилояти Арнасой туманидаги “Kommunal Xizmat Boshqaruvi” МЧЖ БСК бош директори **Эркин Бурхонов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Карши Азия Стар” МЧЖ БСК бош директори **Зулфия Саидова**, “Барака коммунал” МЧЖ БСК бош директори **Лола Джумаева**,

Навоий вилояти Навоий шаҳридаги “Гарден Плюс БСК-2022” МЧЖ бош директори **Ориф Эганов**,

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги “Нур шарқ тесс” МЧЖ БСК бош директори **Жасур Шарипов**, Каттакўрғон шаҳридаги “Мароканд smart бошқарув сервис” МЧЖ БСК бош директори **Дилафруз Садикова**,

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги “Денов янги макон уйлари” МЧЖ БСК бош директори **Журрид Зоиров**,

Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги “Drubja Boshqaruv Servis Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Ҳилола Саидхатмова**,

Фарғона вилояти Олтириқ туманидаги “Comfort Xizmat 777” МЧЖ БСК бош директори **Соҳибжон Мирзаматов**,

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “Урганч мегаполис ПБ” МЧЖ бош директори **Баҳодир Ҳайитбоев**,

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги “Nurmuxamedov Kommunal” МЧЖ БСК бош директори **Алишер Нурмухамедов**, Олмазор туманидаги “Olmazor Kommunal Baraka” МЧЖ БСК бош директори **Гулчеҳра Гаилова**, Чилонзор туманидаги “Рафаэлло сервис” МЧЖ БСК бош директори **Тамара Ахадова**, Яшнобод туманидаги “Umidi 1 Ya” МЧЖ БСК бош директори **Азамат Калоновларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИҚ, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



IQTIMOYI-IQTISODIY GAZETA  
ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси), Шерзод Хидоятлов, Давронжон Адилтов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Қозим Туляганов, Юлдаш Магруппов, Жамид Исмаилов, Бобир Элмуродов, Қудратбек Хошимбеков.

### ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Ҳўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳих **Марҳамат Муслимонкулова**

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКISTON БУНЁДКОРИ” НАШИРЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Узсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “УзАШКЛИТИ” ДУК, “УзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ, “ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

### ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
Телефонлар: 71-241-01-29 (қабулхона), 71-241-01-43 (тахририят), 71-241-01-29 (бухгалтерия), 71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).  
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

### ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 91-479-55-11.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 91-365-07-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Ғ-641.  
1686 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоиси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.  
Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайдими.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

### КОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Р. Ҳўжаева.

Навбатчи – А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.15.

12 3 4 5 6

Газетанинг навбатдаги сонини 2024 йил 14 июнь кунини чиқади.